



## МЕХНАТ БОЗОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Махаммадиев Махсуд Мардон ўғли -  
Тошкент молия институти  
таянч докторанти*

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a35)

**Аннотация.** Мақолада меҳнат бозори фаолиятининг ахборот модели доирасида унинг ахборот базасини яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, меҳнат бозори самарадорлигини баҳолашнинг концептуал модели таҳлили, Ахборот ресурсининг ўлчов бирлигини аниқлаш омиллари таклифи, Ахборот сиғими ифодасининг формал миқдорий тавсифини ёритиш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш модели, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ахборотни тадқиқ этиш методологик масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ахборот, меҳнат бозори, бандлик, ишсизлик, узлуксиз таълим.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БАЗ ДАННЫХ ПРИ ОЦЕНКЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЫНКА ТРУДА

*Махаммадиев Махсуд Мардон ўғли -  
докторант Ташкентского финансового института*

**Аннотация.** В статье анализированы особенности создания его базы данных в рамках информационной модели деятельности рынка труда, анализ концептуальной модели эффективности рынка труда, предложение факторов, определяющих единицу измерения информационных ресурсов, формальные количественные описание информационной емкости, модель экономической оценки информационных ресурсов освещены методологические вопросы исследования информации.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, информация, рынок труда, занятость, безработица, непрерывное образование.

## IMPROVING THE USE OF DATABASES IN ASSESSING LABOR MARKET EFFICIENCY

*Maxammadiev Maxsud Mardon ugli -  
Tashkent Institute of Finance*

**Annotation.** The article analyzes the features of creating its database within the framework of the information model of the labor market activity, analysis of the conceptual model of labor market efficiency, the proposal of factors that determine the unit of measurement of information resources, formal quantitative description of information capacity, the model of economic evaluation of information resources, methodological issues of information research are highlighted.

**Key words:** digital economy, information, labor market, employment, unemployment, continuous education.

**Кириш.** Ҳозирги кунда глобал иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари рақамли технологиялар ҳамда платформалар асосида кечмоқда. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида дунё меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда. Миллий меҳнат бозорлари ишлаш механизмлари рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларига кўра такомиллаштирилиши лозимлигини инobatга олган ҳолда, Халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг 2030 йилгача қабул қилган “Барқарор ривожланиш” концепциясида кўрсатилганидек, меҳнат билан банд бўлишнинг янги турларини рақамли платформаларга инвестициялар киритган ҳолда ривожлантиришни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат бозори ривожланишини кўзда тутувчи бундай рақамли платформаларга киритиладиган инвестициялар ва улардан олинadиган фойда дунё бўйлаб нотекис тақсимланган: инвестицияларнинг 96 фоизи Осиё, Шимолий Америка ва Европага

тўғри келади, даромаднинг 70 фоизи эса фақат икки давлат – АҚШ ва Хитой томонидан ўзлаштирилади.

Жаҳон тажрибаси рақамли технологияларнинг меҳнат бозоридаги турли касбий-малакавий сегментларга кўрсатадиган таъсири натижасида шаклландиган аҳоли бандлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқишни кўзда туттади. Бу, ўз навбатида, рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва уни баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бундай шароитда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган омилларнинг натижавий таъсирини баҳолашни назарда тутадиган рақамлаштирилган меҳнат бозори институтлари ташкил этилган ҳолда чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилади.

Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларининг меҳнат бозори га таъсирини прогнозлашдаги асосий муаммоларни келтириб чиқарадиган ушбу йўналишдаги долзарб масалаларни тизимли равишда тадқиқ этилишини тақозо этади. Чунки бу йўналиш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кам ўрганилганлиги боис ҳар бир миллий иқтисодиётдаги меҳнат бозорининг шаклланиш ва ишлаш механизмлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ана шу хусусиятлар уларнинг самарадорлигини белгилаб беради ва ўз навбатида, меҳнат бозори самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни янада такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда таклиф этилаётган меҳнат бозори фаолиятининг ахборот модели доирасида унинг ахборот базасини яратишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилмоқда; бу ахборот базаси рақамли иқтисодиётда рақамли ва ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболларини эътиборга олган ҳолда, оммавий рақамлаштиришнинг мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётига таъсири хусусиятларини кўрсатадиган меҳнат бозорининг шаклланиши ва фаолият юритиш аспектига акс эттириши зарурлиги аниқланди. Айни дамда бу соҳадаги мавжуд статистика тизими биз фикр юритаётган хусусиятларни тўлиқ маънода акс эттира олмайди; шунинг учун иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотларини тўплаш ва ишлов бериш бўйича аниқ бир механизмни ишлаб чиқишимиз зарур бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу механизмни ишлаб чиқиш учун биз тадқиқ этаётган асосий мақсадни – бу йўналишдаги реал мавжуд статистика тизимини ҳисобга олган ҳолда рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ахборот базасини яратиш эканлигини аниқ тасаввур қилишимиз керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, бу механизмни амалга оширишда шундай кўрсаткичлар олиниши керакки, бу кўрсаткичлар асосида меҳнат бозорини чинакам тартибга солиш, шунингдек, унинг самарадорлиги ўзгаришини ҳам баҳолаш мумкин бўлсин. Бу ерда биз интервалли баҳолаш кўрсаткичлар назарияси ва амалиётдан фойдаланишни таклиф қиламиз, унинг моҳияти шундаки, тадқиқ этилаётган объектнинг – бизнинг ҳолатда рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорининг адекват ҳолатини (конъюнктура) аниқлаш учун бу баҳолаш кўрсаткичлари зарур ва етарли маълумотлар сифатида қаралади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Меҳнат бозорининг асосий тушунчалари турли тарихий даврларда олимлар томонидан турлича

тадқиқотлар олиб борилган ва ўрганилган, турли назарияларда ишлаб чиқилган ва акс эттирилган.

Меҳнат бозори самарадорлигини оширишда А.Смит ҳамда А.Маршаллар 1996 йилда классик назария меҳнат бозори ва унинг ҳаракат механизмини ўрганиб, меҳнат бозорини таҳлил қилишда бошқа бозорларнинг концептуал аппаратларидан максимал даражада фойдаланишни таклиф этишади [1, 2].

Ишчи кучи таклифи ва талаби тўғрисидаги бошқа қарашлар радикал назарияларда ўз аксини топган. Ж.М.Кейнс таъкидлаганидек, уларда иш ҳақи даражаси ва бандлик ўртасидаги боғлиқлик анча заиф бўлиб, ишчи кучига бўлган талаб нафақат маҳсулотларга бўлган талаб (классикларда бўлгани каби), балки корхонанинг ички тузилиши – бандларнинг малакаси, корхонани бошқариш тизими ва меҳнатни назорат қилиш хусусияти билан белгиланади [3].

Умуман олганда, классик ва радикал назариялар бир-бирини тўлдирди. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги меҳнат бозорининг институционал назарияларини ривожлантириш доирасида амалга оширилади. Маконелл К.Р. айтганидек, гарчи улар классик қоидалардан ташқарида бўлса ҳам, тегишли қонуниятларнинг таъсирини ҳисобга олишади. Баъзи институционал ёндашувларда меҳнат бозорининг классик назарияси билан боғлиқликни кузатиш мумкин. Корхона меҳнат бозори классик ва радикал ёндашувларнинг органик бирикмасига мисол бўла олади [4].

О.Колесникова ўзининг мақоласида меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси даражаси ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган [5].

С.Смирнов ўз мақоласида иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиёсатини баҳолаш усули ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолининг самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган [6].

Профессор Қ.Х.Абдурахмонов “Меҳнат иқтисодиёти” дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони унинг инфратузилмаси ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-

иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари, асосий вазифаси ва функцияларининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларнинг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмастлигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган [7].

Бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт бўйича жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, лекин С.С.Фулумов рақамли иқтисодиёт фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор берган бўлса-да, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида айнан меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари етарлича тадқиқ этилмаган қолмоқда [8].

А.О.Рўзиев томонидан олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатиб турибдики, рақамли иқтисодиётга хос бўлган ва меҳнат бозорига таъсир қилувчи ўзига хос хусусият ва омилларни аниқлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бу хусусиятларнинг миллий иқтисодиётдаги бандлик ва ишсизлик ҳолатига таъсири тадқиқ этилмаган [9].

**Тадқиқот методологияси.** Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини такомиллаштиришда, индексция ва таққослаш усулларидан фойдаланилди. Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг яна бир муҳим омилларидан бири соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожланти-


риш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмалардан фойдаланилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришга рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини баҳолаш усулларидан фойдаланилди:

1. Рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун татбиқ этилаётган усулларни тизимлаштириш.

2. Ҳудудий иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизими ва усуллари таҳлил этиш.

3. Рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Таҳлили ва натижалар.** Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, чиндан ҳам статистика юритишнинг жорий тизимини эътиборга олган ҳолда ахборотлар базасини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади меҳнат бозори фаолият юритишнинг динамикаси ва тенденциялари, шунингдек, унинг самарадорлиги бўйича оралиқ баҳолаш кўрсаткичларини олиш ҳисобланади. Қуйидаги 1-расмда рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорининг самарадорлиги мезонларини таҳлил қилиш ва синтез қилиш умумий чизмаси келтирилган бўлиб, “Рақамли технологиялар ривожланиш тенденциялари (РТРТ)” ва “АКТ соҳасидаги таълим тизими (АКТСТТ)” элементларига алоҳида эътибор қаратилган [2, 3].



1-расм. Рақамли иқтисодиётда меҳнат бозори самарадорлигини баҳолашнинг концептуал чизмаси [11]

Бу мантиқни шу йўналишда давом эттириб, бизнинг фикримизча, айнан РТРТ ва АКТСТТ рақамли технология (РТ) ва рақамли платформалар (РП) ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттирувчи (РЎХХАЭ) элементлар ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Бу йўналишда тадқиқот олиб борган баъзи муаллифларнинг хулосаларидан бизнинг мақсадларимиз учун фойдаланиб бўлмайди: бу ишларда тадқиқотлар натижалари, асосан, АКТ соҳасида ўқитилган ходимлар, фаолият соҳа ва тармоқлари бўйича АКТ соҳасида иш билан банд бўлганлар сони ва сифати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш асосидаги тадқиқот натижалари келтирилган. Аммо бу маълумотлар миллий иқтисодиётдаги меҳнат бозорининг фаолият юритиши доирасида уларнинг ўзаро боғлиқлик йўналишини кўрсатиб бериши мумкин бўлган функционал-мантиқий чизмага бирлаштирилмаган. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётда меҳнат бозори самарадорлиги мезонларини амалга ошириш нуқтаи назаридан РТРТ ва АКТСТТ элементларидаги ривожланиш траектория ва тенденциялари бўйича ташувчиларнинг (маълумотларнинг) ўзаро боғлиқлигини ахборот-интеграциялашган баҳолаш учун тегишли кўрсаткичларни (маълумотларни) тўплаш ва ҳар томонлама мажмуавий-тизимли тадқиқотлар олиб бориш зарур [5].

Дастлаб, бу кўрсаткичлар (маълумотлар) нимани ифода этиши зарурлиги, яъни рақамли иқтисодиётдаги меҳнат бозорига тааллуқли ташкилий-иқтисодий ва тартибга солиш режаларида РТРТ ва АКТСТТ блокларидаги бу кўрсаткичлар қандай ахборотларни акс эттириши зарурлигини аниқлаймиз.

Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур, хусусан:

а) АКТ соҳасининг ишлашида амалдаги статистика тизимидан иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият тури бўйича қандай маълумотлар тўпланиши олиш мумкин;

б) умуман, бу маълумотлар мажмуаси кўриб чиқиладиган РТРТ ва АКТСТТ блокларда иқтисодий жиҳатдан муҳим хусусиятга эга бўлиши учун унинг асосида меҳнат бозори самарадорлигини ошириш масаласининг қўйилиши асосланган АКТни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари нуқтаи назаридан тўғри бўлган қандай иқтисодий контекстни ўз ичига олиши керак; бу ерда масалаларнинг қўйилиши иқтисодий жиҳатдан қанчалик асосли ва истиқболга эгаллиги бош масала ҳисобланади:

1) иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни рақамлаштиришни янада ривожлантириш учун АКТ бўйича ходимларни ривожлантириш, касбий-малакавий, миқдорий ва сифат параметрларини аниқлаш (КМПАКТ);

2) АКТ бўйича таълимнинг барча даражаларида кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмнинг миқдорий ва сифат параметрларини аниқлаш (ТИМПАКТ);

3) АКТ соҳасида таълим тизимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари доирасида рақамли иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланиши шартларининг асосланганлик предметида КМПАКТ ва ТИМПАКТ исталаётган муносабат миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Юқоридаги қўйилган саволларга берилган жавоблардан олинган натижалар РТРТ ва АСТТ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирни тизимли равишда тавсифлаб бериши зарур, шунингдек, уларнинг кейинги ривожланиши ва мавжуд бўлиши моҳиятини гносеологик тушунилиши кераклигини алоҳида таъкидлаш лозим [7, 8].

Берилган масалаларнинг ҳал этилиши ва унинг тегишли равишда амага оширилиши маълум харажатларни талаб қиладиган узоқ муддатли хусусиятга эга бўлиб, бу харажатлар давлат, корхона ва компанияларнинг харажатлари ёки ишчи кучи таълими харажатларига ажратилмаслиги керак; бу ерда рақамлаштиришга сарфланадиган умумий харажатлар ҳажми (УХХ) (молиявий, вақт, моддий-ресурсли) қандай (бу “мақсаднинг ўзи” алоҳида харажат, эволюция бошқа харажат, тартибга солиш бошқа харажат бўлган ҳолда), рақамлаштириш даражаси (бу – натижа) қандай натижавий кўрсаткичлар тўплами (НКТ) билан баҳоланиши керак; бу НКТ АКТ бўйича кадрлар салоҳиятининг аниқ даражаси (КСДАКТ) асосида шакллантирилиши керак, бу уларнинг (НКТ) мамлакатда АКТ бўйича кадрлар салоҳияти даражасига боғлиқ ҳолда динамикасини кўрсатади (бу масалада батафсил тўхталамиз). Шундай қилиб, УХХ, НКТ ва КСДАКТ бўйича аниқ ўлчов бирликларини аниқлаш керак бўлади [10].

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги расмий давлат статистика тизимида бу маълумотларни кузатиш ва рўйхатга олиш юритилмайди, хусусан, УХХ, НКТ ва КСДАКТни ўлчаш ва баҳолаш бўйича статистик методологиянинг йўқлиги сабабли тегишли маълумотларни яхлит ҳолда йиғиш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш ишлари амалга оширилмайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф қиламиз.

Макроиқтисодиёт даражасида (ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг турли усуллари билан) янги яратилган қийматга “ахборот сиғими” (АС) тушунчасини киритамиз. Бунинг учун иқтисодиётнинг барча тармоқ ва фаолият соҳаларидаги шартли-таркибий нуқтаи назардан “дифференциал ахборот жараёни” (ДАЖ),

“қидириш-тўплаш” (МҚТ), “ишлов бериш” (МИБ), “фойдаланиш” (МФ), “сақлаш” (МС) занжири фаолияти сифатида кўриб чиқамиз. Бу занжир тугалланганлик тавсифига эга бўлиши билан, дифференциал-ахборот жараёнининг ҳар бир даврида тегишли ахборотлар ахборот ресурси мақомига эга бўлади [11].

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва фаолият тури бўйича дифференциал-ахборот жараёни якунида олинган бу ахборот ресурси ҳар хил миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эга бўлади, чунки ҳар бир аниқ истеъмолчи учун айнан бир хил ахборот турлича баҳога эга бўлиши мумкин. Бу ердаги асосий муаммо ахборот ресурсининг ўлчов бирлиги ҳисобланади.

Ахборот ресурсининг бундай ўлчов бирлигини аниқлаш учун, бизнинг фикримизча, бу ўлчов бирлигини шакллантирувчи омил элементлари (ШОЭ) ҳисобланадиган қуйидаги омиллар ажратилишини таклиф этамиз:

а) умуман иқтисодиётда тармоқ ва фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш технологиялари ва хизматларининг ривожланиши даражасини ахборот ресурсларига муносабати бўйича ўзгармас (const) сифатида қараймиз (ШОЭ-1);

б) ахборот ва рақамли технологиялар соҳасидаги кадрларнинг касбий-малакавий ривожланиш даражасини умуман таълим тизимининг, хусусан, АКТ соҳасидаги фаолияти натижаларининг динамик кўрсаткичи сифатида қараймиз (ШОЭ-2);

в) умуман иқтисодиётнинг тармоқлари ва фаолият турлари бўйича фойдаланилган моддий-хомашё ресурсларининг ўртача нархи даражасини тегишли моддий ресурсларни ишлаб чиқарувчилардаги ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш кўрсаткичи сифатида кўриб чиқамиз (ШОЭ-3);

г) иқтисодиётдаги иш ҳақининг ўртача даражасини (ёки мамлакатда энг кам иш ҳақи) ишлаб чиқариш технологиялари, таълим тизимининг ривожланиш даражаси ва макроиқтисодий даражада ахборот жараёнларининг натижавийлигига боғлиқ ҳолда жонли меҳнатдан фойдаланиш даражаси сифатида қараймиз (ШОЭ-4);

д) иқтисодиётдаги транзакцион харажатларнинг ўртача даражасини умуман иқтисодиётда ахборот жараёнларининг ривожланиши натижаси сифатида қараймиз (ШОЭ-5);

е) иқтисодиётда ахборот сиғими кўрсаткичини қиймат жиҳатидан ўлчаш функционал-интеграциялашган ўлчов бирлигини (ИАСФИЎБ) юқоридаги а), д) бандларда тавсия этилган кўрсаткичларни комплекс баҳолаш натижаси сифатида кўриб чиқамиз.

Биз уларни кейинроқ иқтисодиётда ахборот сиғимини ўлчаш бирлигини ишлаб чиқиш

учун реал мавжуд бўлган амалиётга қўллаш статистик имкониятлари нуқтаи назаридан батафсил кўриб чиқамиз [5].

Ва бу ерда қуйидагилар ҳақида тўхталамиз: мазкур тадқиқотда ахборот сиғими тушунчасининг иқтисодий категория сифатида киритилиши (концептуал уриниш) мантиқий мақсадга бўйсунди – бу тушунча ахборот ресурслари бирлигининг миқдорий ифодасида фойдаланиш мақсадларига бўйсундирилган; шу билан бирга, меҳнат бозори субъектлари элементларининг ўзаро алоқалари миқдорий муносабатлари, шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштиришни янада ривожлантириш шароитида меҳнат бозори фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга (бу миқдорий нисбатлар) йўналтирилган ўзаро ҳамкорлиги аниқланади [9].

“Ахборот сиғими” тушунчасига нисбатан айнан иқтисодий категория сифатида қарашимиз қуйидагидан иборат: иқтисодий фаолиятни жорий қилиш учун ҳар қандай хўжалик субъекти иқтисодий фаолият юритиши учун ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш воситалари ва қурилмалари, жонли меҳнат кучи) билан бир қаторда ахборотлардан шу нуқтаи назардан фойдаланадиги, бу ахборотлар бир неча йўналиш ва жиҳатларда намоён бўлади. Бу намоён бўлиш, аниқроғи, намоён бўлиш йўналишлари тадқиқотимизнинг (ахборот сиғими тушунчасини киритиш учун) ахборотларнинг миқдорий хусусиятларини олишга йўналтирилган предметидир; хўжалик субъектлари фойдаланишида ахборотларнинг иқтисодий ресурс сифатида кўриб чиқилиши учун ахборотни ишлаб чиқариш омилларидан бири деб қараш ва тегишли ўлчов бирлигига эга бўлиши мумкин бўлган даражага кўтарилиши керак; миқдорий-иқтисодий маънога ва миқдорий ва иқтисодий мақсадга мувофиқликдаги ўлчов бирлигига эга бўлиши зарур.

Иқтисодиётда ахборот ресурсини ўрганишда асосий давр шундаки, маълумотларни қайта ишлаш тизимларида фойдаланиладиган иқтисодий ахборотларнинг таркибий бирликларини шакллантиришнинг умумий схемаси: рекевизит; кўрсаткич; хужжат; ахборот массиви; ахборот оқими ва ахборот базаси кетма-кетлиги билан ифодаланиши мумкин [7].

Шундай қилиб, иқтисодий ахборот иқтисодий объектларнинг ҳолати ва унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни акс эттирувчи ахборотлар кўринишидир. Иқтисодий ахборотлар ўз хусусиятларига кўра иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос ресурси ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот ишида ахборотни иқтисодиётнинг ҳолати ва давом этаётган иқтисодий жараённинг акс эттирувчиси сифатида қараб, ахборотлардан фойдаланишнинг иқтисо-

дий йўналиши ва унинг ўзгаришлари ҳисобга олинмайди, бунда (иқтисодий йўналишда ва бизнес маълумотларидаги ўзгаришлар) ахборотларнинг иқтисодий ресурс бўлиши мумкинлиги моҳияти очиб берилиши керак; ахборотдан иқтисодий ресурс сифатида фойдаланиш масалаларини ўрганиш уни бошқа иқтисодий ресурслар билан миқдорий муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқишни ўз ичига олади ва бу ҳолда ахборотдан самарали фойдаланиш предмети сифатида, яъни бошқа иқтисодий ресурслар каби ахборотни қиймат жиҳатидан ифодалаш имконияти тўғрисида тадқиқ этиш лозим.

Агар фойдаланувчиларнинг аниқ эҳтиёжларини қондирадиган ахборот сотиладиган маҳсулот сифатида ҳаракат қилса, нарх ахборот ресурсининг (АР) пул қийматини белгилайди. Шу билан бирга, яратилган АРда яратилган баҳо уни ишлаб чиқарувчилар жамоа меҳнатини моддийлаштирилишини тавсифлайди. Шунингдек, унинг асосига тадқиқот бозор маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жамият томонидан тан олинган меҳнат харажатлари ва уни тайёрлашга меҳнат харажатлари бозорида эътиборга олиш билан тўпланган талабгирлик, фойдалилик, аҳамиятлилик ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган бозор нархи қўйилади.

Бу ерда ахборот ресурсининг баҳосини аниқлаш учун, яъни ахборот сотиладиган маҳсулоти кўринишида ҳаракат қилиши шартининг қўйилиши, жумладан, фойдаланувчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондира олиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Шубҳасиз, классик маънодаги “қиймат, нарх, маҳсулот” тушунчаларининг амалга оширилиши учун ахборотни иқтисодий ресурс сифатида кўриб чиқиш учун зарур, аммо бу бизга илмий нуқтаи назардан муваффақиятли бўлган ахборот ресурслари нархини белгилаш иқтисодий ресурс сифатида фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларининг ўзига хослик саволлари аниқланмаганлигича қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, айнан шу ҳолат, яъни ҳар қандай хўжалик юритишнинг ҳар қандай субъекти ахборотга бўлган эҳтиёжининг ўзига хослигини (АЭЎХ) ўрганиш (ахборот ресурси учун эмас, чунки тавсифлаб берилмаган ўзига хослик ахборотни иқтисодий ресурс сифатида кўриб чиқиш учун асос бўла олмайди) ва иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ахборотни тадқиқ этиш методологик масала ҳисобланади. Шундай қилиб, бундай шароитларда меҳнат бозори самарадорлиги ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ўзига хос аҳамиятларига асосланадиган миқдорий кўрсаткичлари бўйича баҳоланиши мумкин; ва маълум бир ўзига хосликни эса бу хусусият ўлчов бирлигисиз аниқлаш мумкин эмас. Шундай қилиб, ахборотга

бўлган эҳтиёжнинг ўзига хослиги миқдорий катталик сифатида қаралиши керак. Шунинг билан бирга, бу миқдорий катталик шундай шартларни қондириши керакки, ахборотдан иқтисодий ресурс сифатида фойдаланишда миқдорий-иқтисодий мазмун ва миқдорий-иқтисодий мақсадга мувофиқликни берадиган бу шартлар ШОЭ-1 – ШОЭ-5 миқдорий муносабатлар билан аниқланади [11].

Шундай қилиб, АЭЎХ [0,1] интервалда қийматга эга деб фараз қиламиз; бу қийматлар ШОЭ-1÷ШОЭ-5 билан, шунингдек, ИАСЎФИБ билан шундай ўзаро боғлиқки, бу муносабатларнинг катталиклари иқтисодиётнинг турли тармоқ ва фаолият соҳалари учун АЭЎХнинг дифференциал баҳосини кўрсатади. 1-формула Ахборот сиғими ифодасининг формал миқдорий тавсифини ёритиш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$i$  – иқтисодиётнинг тармоқ ва фаолият соҳаси индекси;

$ДАЖРД(i)$  – ахборот ресурслари бирлигидан фойдаланиш ҳажми билан аниқланадиган  $i$  тармоқда дифференциал-ахборот жараёнининг ривожланиш даражаси;

$j$  – ахборот (иқтисодий) ресурсни ўлчов бирлигининг шакллантирувчи омил элементининг индекси;

$k(i)$  –  $i$  тармоқдаги иқтисодий фаолиятни дифференциал-ахборот жараёнига “қайта шаклланиш” коэффициенти, бунда:

$$k(i) = \sum k(j), (0 < k(j) \leq 1) \quad (1)$$

Ахборот ресурси ўлчов бирлиги тўғрисида иқтисодий маънода янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ахборот (иқтисодий) ресурси, дифференциал-ахборот жараёни, ахборот сиғими ва ахборот (иқтисодий) ресурси ўлчов бирлиги тушунчаларининг мақсадли функционал-мантиқий ўзаро ҳамкорлигининг иқтисодий моҳиятини аниқлаймиз [11].

Ҳар қандай хўжалик субъекти ўз фаолиятида ШОЭ-1÷ШОЭ-5 шаклидаги ШОЭга эга бўлади. Хўжалик юритувчи субъектдаги ДАЖ ишлаб чиқариш жараёнининг (хизматларнинг) шартлари ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда исталган  $t$  вақтда бизнеснинг тугаши тўғрисидаги барча бўлиши кутилаётган маълумотлар динамик тавсифга эга бўладиган жараёнدير; айнан мана шу динамик характеристикани дифференциал-ахборот жараёни асосига қўямизки, умумий хўжалик юритиш тўғрисидаги маълумотларнинг бутун динамикаси (маълумотлар ўзгаришининг ўзи жараён) ШОЭ-1 ÷ ШОЭ-5 бўйича дифференциаллашган. Натижада ҳар бир ишлаб чиқариш даврида (шартли равишда вақт (кун, ўн кун, ой) даврига бўлиш мумкин) ШОЭ-1 ÷ ШОЭ-5 бўйича

ДАЖРДда тақсимланган тузилмага эга бўламиз, бу жараён 2-формулада келтириб ўтилган:

$$ДАЖРД(i) = \sum ШОЭ(i) * k(j). \quad (2)$$

$k(j)$ ни  $i$  тармоқдаги ахборотларнинг ўртача шартли баҳоси (АЎШБ) сифатида кўриб чиқайлик. Шу нуқтаи назардан ДАЖРД( $i$ )  $i$  тармоқдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар)нинг ахборот сиғими ҳисобланади. Шундай қилиб, ахборот сиғими концепциясини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган концептуал ёндашувга асосланиб, ахборот ресурсининг бирлиги  $K = \sum k(j)$  деган хулосага келдик ва  $i$  тармоқдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги самарадорлик мезонидан фойдаланишни таклиф қиламиз, бу жараён 3-формулада келтириб ўтилган:

$$АЎШБ(i) \rightarrow \min \text{ да } ДАЖРД(i) \rightarrow \max. \quad (3)$$

Бундан келиб чиқадики,  $K(i)$  га боғлиқ ҳолда  $i$  тармоқдаги ахборотларнинг ўртача шартли баҳоси (ахборот (иқтисодий) ресурси бирлиги) камайиб бориши билан ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат кўрсатиш)нинг ахборот ҳажми ортиб боради.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодий рақамлаштириш таъсири остида барча турдаги бозорлар, шу жумладан, меҳнат бозори ҳам трансформация қилинади. Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодийнинг ривожланиши натижасида масофадан туриб ишлаш ёки иш жойларининг виртуаллаштирилиши имкониятлари бандлик соҳасидаги энг “инқилобий” ҳодиса ҳисобланади. Истиқболда ташкилот аниқ бир ходимнинг офисда ёки узоқ жойда жойлашганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда натижага эришиш устида ишлаши тобора кенг тарқалиб боради. Олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишларига рақамли иқтисодийнинг таъсири баҳолаш назарияси ва методологияси миллий меҳнат бозори билан ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш билан узвий боғлиқ, чунки меҳнат бозори рақамли ва ахборот технологияларининг инфратузилмавий ва кадрлар таркибий қисмларини самарали татбиқ этиш билан бевоқифа боғлиқ. Тадқиқот ишида Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли иқтисодийнинг ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар меҳнат бозорига жиддий эътибор қаратишни, хусусан, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва бундай баҳолаш усуллари ишлаб чиқишни талаб қилиши исботланди.

2. Иқтисодий ва меҳнат бозорини рақамлаштириш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлиги-

даги умумий тенденция шундан иборатки, меҳнат бозори фаолияти натижаси сифатида рақамли технологияларнинг ривожланиши ва бандлик ҳамда ишсизлик даражаси эволюцияси ўртасида тизимли таркибий муносабатлар мавжуд эмас.

3. Иқтисодий рақамлаштириш ва меҳнат бозорини ривожлантириш жараёнларидаги ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш учун рақамли иқтисодий шароитида меҳнат бозори фаолият юритиши самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлиги ҳолатлари асослаб берилди.

4. Рақамли иқтисодий шароитида меҳнат бозори фаолият юритиши самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқишда зарур бўлган асосий бўлимлари, меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базаси ва меҳнат бозорининг тегишли ахборот модели, уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқланди.

5. Рақамли иқтисодийнинг намоён бўлиши ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш рақамли ва ахборот технологияларининг ривожланиш тенденциялари маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган иш вақти харажатларини аниқ қисқартирса ҳам ишсизликни келтириб чиқармайди, ammo иқтисодий рақамлаштириш шароитида иш жойларининг тури, миқдори ва сифати ҳамда бажарилаётган ишнинг таснифи ўзгариб боради деган хулосага келишга имкон берди.

6. Иқтисодийнинг алоҳида тармоқларини рақамлаштириш ва ўзига хос ахборот технологияларини жорий этиш жараёнлари узоқ муддатли режада юқори талабга эга бўлган ишчи кучи таркибини таркибий жиҳатдан ўзгартирган ҳолда меҳнат бозорига таъсир кўрсатиши, иқтисодийнинг рақамлаштирилиши ва ахборот технологиялари таъсири остида меҳнат бозори ривожланишининг асосий тенденциялари аниқланди.

7. Банд бўлганларнинг таълим даражасига қўйиладиган талаблар ортиб бориши; рақамли иқтисодийнинг инфратузилма соҳаларида банд бўлганлар сонининг ортиб бориши; меҳнат бозорининг глобаллашуви; бандликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, хусусан, масофавий бандликнинг кенг ривожланиши; бандликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, хусусан, масофадан фаолият юритишнинг кенг ривожланиши.

8. Иқтисодий тармоқларини рақамлаштиришнинг бундай инфратузилмавий таркибий қисмларининг натижавийлиги юқорида қайд этилган меҳнат бозори самарадорлигининг концептуал схемасини амалга ошириш доирасида меҳнат бозори самарадорлиги мезонларини амалга оширишга боғлиқ эканлиги исботланди.

Иқтисодийёт тармоқларини рақамлаштириш- натижавийлигини баҳолаш учун тегишли кўр-нинг инфратузилма таркибий қисмларининг саткичлар тизими таклиф этилди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: МГУ, 1996. – 800 с.
2. Маршалл А. (1842-1924) *Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса Ten Great.*; Мальтус Т.
3. Кейнс Дж., Ларин К. Анталогия экономической классики. – М., 1993. – 486 с.
4. Макконнелл К.Р., Брю Стенли Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. пер.с англ. 11-го изд. Т.1. 1992. – 399 с.
5. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости. // Человек и труд. 2002. № 3. С. 55-56.
6. Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости. // Вопросы статистики. 1998. №24. – С. 29-34.
7. Абдурахманов К.Х., Ҳайтов А.А. Меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари. – Т.: РИА ТФ, 2010. – 72 б.
8. Абдувоҳидов А.М. Digital Development of Education and Universities: Global Challenges of the Digital Economy International Journal of Instruction. 2020/11/15.
9. Фуломов С.С., Шермухамедов А.Т. Development of digital economy in the republic of Uzbekistan. VII Uzbek – Indonesian Joint international scientific and practical conference “Innovative development of entrepreneurship” with the framework of scientific and research project “Global economic challenges and national economy development”. – Tashkent-Jakarta, 2018, September. P. 180-183.
10. Рўзиев А.О. Электрон тижорат. 1-қисм. Дарслик. 01.03.2021 й. № 110-309. ТМИ. – 375 б.
11. Махаммадиев М., Абдувоҳидов А. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 6-сон, декабрь, 2020 йил. ISSN: 2181-1016.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

**Расулов Шавкат Шароф ўғли -**  
Жиззах политехника институти  
ўқитувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a36)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида бандлик кўрсаткичлари, ҳудудлар кесимида бандларнинг расмий ва норасмий секторлар, давлат ва нодавлат секторлар бўйича тақсимланиши, ишсизлик даражаси ва меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, иқтисодий фаол ва бандлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли бандлиги, давлат хизматлари, ижтимоий меҳнат, расмий сектор, норасмий сектор, банд аҳоли.

**АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ЗАНЯТОСТИ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**Расулов Шавкат Шароф ўғли -**  
Преподаватель Джиззакского  
политехнического института

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются аналитический анализ показателей занятости в Республике Узбекистан, приводятся данные о распределении занятости в формальном и неформальном секторах, государственном и частном секторах, уровне безработицы и численности занятых граждан, экономически активных и занятых.

**Ключевые слова:** занятость, общественные услуги, общественный труд, формальный сектор, неформальный сектор, занятая население.

**ANALYSIS OF THE CURRENT STATUS OF EMPLOYMENT OF LABOR RESOURCES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Rasulov Shavkat Sharof ugli**  
Assistant teacher at the Jizzakh polytechnic institute

**Abstract.** This article discusses an analytical analysis of employment indicators in the Republic of Uzbekistan, provides data on the distribution of employment in the formal and informal sectors, public and private sectors, the unemployment rate and the number of employed citizens, economically active and employed.

**Key words:** employment, public services, social labor, formal sector, informal sector, employed population.